ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 31 январь. Жума № 9 (5.782). Сотувда эркин нархда

ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Узбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, буюк келажагимиз пойдеворини қуриш борасидаги саъи-ҳаракатлар дастлабки натижаларини бера бошлади. Бир неча йирик иншоотлар ишга туширилди. Асакадаги «УзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар мамлакатимиз ташқарисида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида танланган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини исботламоқда. Халқимизнинг ёруғ келажакка ишончи тобора ортиб бормоқда.

Лекин ислоҳотлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ҳам бир меъёрда кетяпти, деб бўлмайди. 27 январь куни республика Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида ўтган йиғилишда ана шу масала — мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисда тегишли вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди ўринбосарлари, бир қанча жамоа, деҳқон (фермер) хўжаликлари раислари, тадбиркорлар, олимлар иштирок этди.

Биз бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида 1996 йил якунларини кўриб чиқишимиз, улардан керакли хулосалар чиқариб, жорий йилда ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилашимиз лозим, деди Ислом Каримов. Бу гап, талаб, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳаси учун тегишлидир. Чунки қишлоқ хўжалигида олиб бораётган ислоҳотларимиз кутилган натижани бермаса, умумиқтисодиётда ўзгаришга эришиш қийин. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом ашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов кун тартибига қўйилган масала юзасидан ахборот берди. Ахборотда таъкидланишича, республикада мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, хусусан қишлоқда кўп тармоқли иқтисодиётни вужудга келтириш борасида ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Мингдан зиёд давлат корхоналарининг мулк шакли ўзгарди, қишлоқда жамоа хўжаликлари, ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, ижарачилар, деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмалари, агрофирмалар, шахсий, ёрдамчи хўжаликлар ташкил топди. Сўнгги уч йилда деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 3,8 баробар ортиб қарийб 20 мингга етди, бу соҳада юз мингдан зиёд одам ишламоқда. Бир минг беш юзга яқин чорвачилик фермаси акционерлик жамиятларига айлантирилди, 694 ферма кимошди савдосида сотилди.

Қисқача айтганда, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг давлат сектори асосан тугатилди. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотнинг 98 фоизи давлатга қарашли бўлмаган секторда ишлаб чиқарилмоқда.

Мажлисда таъкидландики, кўрилган чора-тадбирларга қарамай қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамон кутилган натижани бермаяпти. Бу борада қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни татбиқ этишда сусткашлик қилинмоқда. Натижада бозор муносабатларига мос хўжалик механизми секин шаклланмоқда. Ана шу камчиликларнинг оқибатида деҳқон ҳақиқий мулкдорга айланолмаяпти, қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланмаяпти.

Тан олишимиз керакки, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотлар йўлида муайян тусиқлар, бу ишларни ривожлантириш борасида камчиликлар мавжуд, деди Ислом Каримов. Хусусан, мулк шаклини ўзгартирган деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусийлаштирилган фермаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик етишмаяпти. Уларга етарли миқдорда ер ажратиш, айланма маблағларини ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника ва ўғит билан таъминлаш, етиштирган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар яқиндан ёрдам беришлари керак. Қишлоқ ҳақида қайғуриш барчанинг иши бўлмоғи зарур.

Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш учун нималарга эътибор бериш, қандай тўсиқларни бартараф этиш керак, дея савол қўйди Президент ва бундай деди: Биринчидан, давлат тасарруфидан чиқарилган мулк ҳақиқий эгасининг, яъни деҳқон ёки чорвадорнинг қўлига тушиши зарур. Очигини айтиш керакки, хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичларида бу борада айрим жойларда шошма-шошарликка йўл қўйилди, натижада деҳқончилик ёки чорвачиликдан йироқ одамлар, айрим бойвачалар мулк эгаси бўлиб қолди. Бу камчиликларни зудлик билан тузатиш, керак бўлса, қишлоқда ислоҳотларни тартибга солувчи ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар киритиш, янгиларини ишлаб чиқиш лозим. Токи, ҳеч нарса ислоҳотларни амалга оширишга монелик қилолмасин.

(Давоми 2-бетда)

«РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ ВА 1997 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР» ТЎҒРИСИДА МАЖЛИС ҚАРОРИ

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

И. КАРИМОВ — Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ў. СУЛТОНОВ, И. ЖЎРАБЕКОВ, Қ. ОБИДОВ, Т. АЛИМОВ, Бош вазирнинг ўринбосарлари, ҳукумат аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, олимлар, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, мутахассислар.

1. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидовнинг маърузасида таъкидланган ва муҳокама қилинган масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар инобатга олинсин.

2. Қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар қўлами ҳозирги давр талабига жавоб бермаслиги ва сust кетаётгани таъкидлаб ўтилсин. Бу борада асосий эътибор:

— ислоҳотлар борасида қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қишлоқ жойларда етарли татбиқ этилмаётганлиги;

— қишлоқ хўжалигида **мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётгани, деҳқонларда ҳақиқий мулкдорлик ҳисси** ва қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланмаганлиги;

— қишлоқ хўжалик соҳасида ўзаро ва унга хизмат қилаётган тармоқлар ва идоралар, шунингдек, топширилган маҳсулот учун ҳақ тўловчилар билан ҳисоб-китоб масалалари мутлақо талабга жавоб бермайдиган ҳолда экани;

— деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётганлиги ва моддий манфаатдорлик тамойилларига етарли эътибор берилмаётганлиги, шу борада мулкий пайни жорий этиш масаласида сусткашлик ва лоқайдликка йўл қўйилаётгани;

— ислоҳотларни ўтказиш йўлида бюрократик тўсиқлар мавжудлиги ва **қишлоқ хўжалигини бошқариш бўғинлари фаолиятининг соҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари билан боғланмаганлиги;**

— қишлоқ товар ишлаб чиқарувчисининг манфаатини ҳимоя қиладиган замонавий суғурта механизмининг йўқлиги;

— ҳозиргача қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти билан боғлиқ ҳамкор ва агросервис ташкилотларининг **монопол шароитда бўлиши, хизмат кўрсатиш ўрнига қишлоқ хўжалик корхоналарига тазйиқ ўтказиш ҳоллари мавжудлиги;**

— ривожланган давлатларнинг фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган ташкилотлари фаолияти борасидаги илғор тажриба ва усулларнинг етарли ўрганилмаётганлиги ва уларни республика ҳаётига сust татбиқ этилаётганлиги;

— қишлоқда янги иш жойлари ташкил этиш бўйича тадбирларнинг қониқарсиз эканлиги сабабли қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучини бўшатиш имкони бўлмаётгани ва етиштирилаётган маҳсулотларга **меҳнат сарфининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги;**

— ўтказилаётган ислоҳотларнинг **қишлоқда бозор инфраструктурасини етарли шаклланишига олиб келмаётганлиги;**

— вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг қишлоқда ислоҳотлар борасидаги ташкилотчилик ва тушунтириш ишларининг қониқарсиз эканлигига қаратилсин.

3. Қишлоқда мулкий муносабатларни кўп тармоқли иқтисодиёт талаблари асосида шакллантириш ҳамда юқорида баён этилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

4. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Қ. Обидовга 5 марттача мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазаларни амалга оширишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳасини тайёрлаш топширилсин.

5. «Ўзтелерадио» ва давлат матбуот қўмитасига, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республика қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан биргаликда қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид масалалар бўйича вақтли матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение орқали кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш топширилсин.

Мажлис раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 27 январь

МАЙСАЛАР АВЖИ

Касби туманидаги «Қашқадарё» жамоа-ширкат хўжалиги далаларида бўлсангиз, ям-яшил майсазорларни кўриб дилингиз яйрайди. 1750 гектар майдонга экилган арпа ва бугдойнинг серҳосил навларидан бу йил баракали ҳосил олиш режалаштирилган. Галлакорлар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, катта хирмон яратишга аҳд қилишган. Фидокорлар ана шу эзгу ниятда майсаларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришаяпти.

Хўжаликнинг Очил Тошқулов бошлиқ бригадасида 46 гектар ерга бугдойнинг серҳосил «Санзор-8» нави экилган. Жамоа аъзолари галла майдонларининг ҳар тектарига 250 килограммдан азотли ўғитлар сепишди. Баҳорда озиқлантириш учун маҳаллий ўғит тўплаш давом этяпти. Тўхташ Ҳазратқулов, Эйбек Элсаров ва бошқалар дала юмушларида жонбозлик кўрсатишаяпти.

Шунингдек, Ҳаким Ҳолов ва Файзулла Қучқоровлар саркор бўлган бригада далаларида ҳам майсалар авжи яхши. Экинлар дуркун ривожланмоқда. Шуҳрат Жабборов, Низом Жабборов, Бозор Умидов каби механизатор ва миришкорларнинг ғайрати таҳсинга лойиқ.

Жўра ЮСУПОВ.

МЕҲНАТ — БАРАКАГА ЙЎЛ

Юқори Чирчиқ туманидаги «Юқори Чирчиқ» жамоа хўжалигининг пахтакорлари бу йил 410 гектар майдонга чигит қадаб, 1133 тонна оқ олтин етиштиришни режалаштиришган. Шунинг 70 гектарида ғўза пленка остида ўстирилади.

Ушбу жамоанинг Акбар Бердиалиев, Усмонали Қуттибоев, Тулаган Рисалиевлар етакчилигидаги бригадалар аъзолари андижонликлар усули асосида оқ олтин етиштиришга пухта тайёргарлик кўришаяпти. Шундай усулда чигит қадайдиган 2 сеялка яқин кунларда Андижондан олиб келинади.

Шу кунларда хўжалик аъзолари далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, техника воситаларини таъмирлаш каби қишки юмушларни уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Шунингдек боғ ва тутзорларга шакл бериш ишларига ҳам қизғин киришилди.

— Экиш мавсуми арафасида пахтакору галлакор, ижарачи ҳамда мутахассислар эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, ўзаро фикрлашиб олмоқдалар, — дейди бошқарув раиси муовини Анорбек Жонибеков. — Жорий йилда тармоқни ривожлантириш учун бор имкониятдан оқилона фойдаланиш ҳар бир миришкорнинг меҳнат шиорига айланган. Устувор меҳнат эса қут-баракага йўл очади...

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Илғор тажриба — кўпчилик мулки

ФЕРМЕР — КАТТА ТАДБИРКОР

1997 й. 31-январ № 9

Музрабод туманидаги «Қўнғирот» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Янгибой ЮСУПОВ мулоҳазалари

Нега ислоҳотлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида бир меъёрда кетмаяпти? Баъзи фермер хўжаликлари ҳатто фаолиятини тўхтатаётганлигининг асосий сабаблари нимада? 27 январь куни республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда мана шу ўта муҳим саволларга ҳам лўнда жавоб берилди. Ўзимни ўйлантираётган баъзи масалалар хусусидаги фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг дастлабки кезларида бу борада камчиликларга йўл қўйилди. Ер ёки ферма очигини айтганда айрим учарлар, пулдорлар қўлига ўтиб қолди. Боз устига баъзи мутаассиблар янгиликлар моҳиятини тўғри тушуниб етмаганликлари оқибатида пала-партишликка йўл қўйилди. Деҳқон-фермер хўжаликларига ижарага берилган ерлар жамоа хўжалиги балансидан чиқарилмади. Ёки қайсидир тадбиркорга унумдор ерлар тегмади. Бозор шароитидан фойдаланган айрим раҳбарлар баъзи бир нарсалар баҳосини ҳаддан ташқари ошириб юборишди...

Қаерда мулк ҳақиқий эгасини топса, тадбиркорлар қўллаб-қувватланса, улар учун шарт-шароитлар яратиб берилса, албатта натижа қувончли бўлади. Буни хўжалигимиз мисолида кўриш мумкин. Янгича шароитда ишлашга ўтдик: 247 деҳқон-фермер хўжалиги билан шартнома асосида фаолият йўлга қўйилди. Тадбиркорларнинг банкда ўз ҳисоб рақамлари бор. Улар алоҳида-алоҳида иш ҳақи олишади. Эҳтиёт қисмлар ва бошқа керакли нарсаларга ўзлари ҳисоб рақамларидан маблағ ўтказадилар. Фермерларга 24 та кичик корхона хизмат қилади. Уларга тўла эркинлик берилган. Фаолиятларини такомиллаштириб бориш, маблағга эгалик қилишда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Иқтисодий ислоҳот шарофати туфайли бултур фермерларимиз 112 тонна ёғ, 500 тонна кунжара, 440 тонна шелуха олдилар. Булар иқтисодиётни юксалтирувчи омиллардир.

Кўнгилни тўқ қилиб, ташаббускорлик кўрсатган киши ҳамиша мақсадга эришади. Одамларимиз ҳалол ишлаб бой бўладиган давр келганлигини чуқур англаб етдилар. Шу боис ҳар қандай ердан, уруғликдан, ўғитдан тежаб-тергаб фойдаланишмоқда. Энди улар бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши билишади. Мисоллар келтирайлик. Фермер Эшбой Рузиев уч гектар ерда пахта етиштирди. Оила аъзолари, вақти келса қариндош-уруғларини жалб қилиб, бултур ғўзаларга қалб қўрини бахшида этди. Рузиев энг чекка қишлоқлардаги хонадонлардан нури ташиб келтирди. Ҳар бир кўсак унинг эътиборида бўлди. Натижада чўл шароитида гектаридан 45 центнердан оқ олтин йиғиштириб олди. Йиллик режа 130 фоизга адо этилди.

Жўра Бобоёров ҳам ҳақиқий фермер, катта тадбиркор эканлигини амалда исботлади. Ҳосилдорликни гектарига 12 центнерга ошириб ва 50,3 центнердан хирмон кўтарди. Режа 144 фоизга ўринлатилди. Алим Абдуназаров, Бегимқул Олтибоев каби уста деҳқонларимиз ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида хусусийлаштиришда йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан тузатиш, керак бўлса, қишлоқда ислоҳотларни тартибга солувчи ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар киритиш, янгиларини ишлаб чиқиш лозим, дея таъкидланганлиги барчамизни хушнуд этди. Тўғри-да, ислоҳотларни шу кун талабалари даражасида амалга ошириш учун ҳеч ким, ҳеч нарса тўсқинлик қилмаслиги керак. Ахир бебаҳо еримиз, бебаҳо одамларимиз булатуриб нега энди уялиб ўтиришимиз керак? Хўжалик раҳбари сифатида яна шуни таъкидлайманки, деҳқонлар учун барча ерда шароит тенг бўлиши керак. Тадбиркор фермер кўп ишга қодир. Ислоҳот шарофати туфайли бултур фермерларимиз 112 тонна ёғ, 500 тонна кунжара, 440 тонна шелуха олдилар. Бу ишлар иқтисодиётни юксалтирувчи омиллардир.

Хўжалигимиз фермерлари «Республика қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши ва 1997 йилдаги асосий вазифалар» тўғрисида мажлис қарорини қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг шубҳасиз устувор йўналишидир.

Уйчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида техникани мавсумга шайлаш ишлари ниҳоясига етди. Сифатли таъмирланган трактор ва экиш мосламалари тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

СУРАТДА: (чапдан) механизаторлар Ҳожимирза Усмонов ва Муталли Жўраев ўзлари таъмирлаган сеякаларни кўздан кечиришаяпти.

А. ЮСУФБОЕВ олган сурат.

СУТ ЗАВОДИ

Андижон туманининг Бакиров номидаги жамоа хўжалигида сут заводининг ишга тушиши чорвадорларнинг транспорт харажатларини анча камайтирди. Корхона маҳаллий тадбиркор Абдураҳмон Бозорбоевнинг ташаббуси билан ун ойдан камроқ вақтда қуриб битказилди. Тадбиркор тумандаги хўжаликлар ва хусусий кишилар боғлари ҳамда полизларида етиштирилган маҳсулотларнинг ортиқча сотишдан тушган маблағга завод учун зарур ускуналарни Россиядан сотиб олиб келтирди.

Эндиликда бу ердаги чорвачилик фермаларининг кўпи сутни янги корхонага топшириши афзал кўрмоқда. Йигирмага яқин киши заводда сутни қайта ишлаш билан банд. Туман савдо тармоғига, болалар боғчаларига ва соғлиқни сақлаш муассасаларига завод хилма-хил сут маҳсулотлари етказиб бермоқда.

(ЎзА).

ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусийлаштирилган фермалар оёққа туриб олиши учун давлат уларга ҳар томонлама ёрдам бериши, ҳимоя қилиши керак. Барчага аёнки, хўжалик муваффақиятли иш юритиши учун айланма маблағ зарур. Дастлабки босқичда буни давлатдан кредит олмасдан шакллантириб бўлмайди. Республика Молия вазирлиги, Марказий банк раҳбарлари Қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бу масалани ҳал этишлари лозим.

Қишлоқда ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топтириш учун яна бир масалага аниқлик киритиш лозим, деди юртбошимиз. Нега мулк шакли ўзгарган хўжаликларни очиқ ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамияти деймиз? Улар ҳақиқатдан ҳам шундай жамиятми? Менимча йўқ. Чунки, бирор корхона акционерлик жамияти бўлиши учун албатта ўз акцияларини чиқариб сотиши керак. Жамоа хўжаликларида шундай акциялар борми? Йўқ. Шундай экан, масалани мураккаблаштирмасдан қишлоқда пайчиликни жорий этиш маъқул эмасми? Аслини олганда акция ҳам ўзбекча пайнинг ўзи-ку. Пай бўйича ҳам унинг эгаси қўлидаги пай миқдорига қараб умумий даромаддан ўз улушини, замонавий ибора билан айтганда дивидентини олади.

Акция, яъни пай ҳақиқий қимматига эга бўлиши, қишлоқда ишловчиларга меҳнатига яраша даромад келтириши учун эса қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга ўтказиш шарт, деди Ислом Каримов. Токи эллик нафар одам ишлайдиган жойда беш юз, юз одам ўрнига минг киши ишламасин. Лекин бу муаммони ҳал этиш осон иш эмас. Бу муаммони бригадиру раислар ҳам яхши билади. Лекин улар ҳам нима қилсин. Ишловчиларнинг барчаси билан кунда бўлмаса кунаро кўришиб турса, уларнинг ҳам болачақаси бор. Демак, одамларни ранжитмаслик, уларга янги иш жойлари таклиф этиш лозим. Биз саноатни қишлоққа олиб келиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш деганда ана шу муаммоларни ечишни назарда тутамиз. Бу борадаги ишларнинг ҳозирги аҳволи эса бизни қониқтирмайди.

Ислоҳотлар йўлидаги яна бир муаммо қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиши лозим бўлган турли идора ва ташкилотларнинг деҳқон (фермер) хўжаликлари, ферма эгалари — умуман тадбиркорларга муносабатини ўзгартириш билан боғлиқдир. Бу ерда гап уларнинг якка ҳокимлиги, шунинг натижасида тазйиқ ва зўравонлик қилиши ҳақида бормоқда. Масалан, биз дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, уларни камайтириш тўғрисида кўп гапирамиз. Маълум бўлишича, кўплаб тайёрлов идоралари, қайта ишловчи корхоналар олинган маҳсулот учун вақтида ҳисоб-китоб қилмас экан. Бундай ҳол бозор шароитига тўғри келадими? Улар ҳақиқий бозор шароитида, айтайлик, хорижда бўлганида бир ҳафтага қолиб-қолмасдан инқирозга юз тутиб, хонавайрон бўлардику. Демак, улар деҳқонларнинг кўнгилчанлигию, ўзларининг зўравонлиги боис яшаб келмоқда. Деҳқон пулини вақтида олмаса, нима ҳисобидан тирикчилик қилади, бола-чақасини қандай боқади? Ўғит ёки техниканы қайси пулга сотиб олади?

Қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ва техника ажратишда ҳам муносабатни кескин ўзгартириш пайти келди. Улар ўз маҳсулотларига истаганча нарх қўймоқдалар. Ҳолбуки, ҳар бир корхона нарх осмонга чиқиб кетмаслиги учун ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга интилиши лозим. Шуни унутмаслик керакки, ана шу химия корхонасининг ҳам, техника ва унга эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи ташкилотнинг ҳам келажаги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Чунки хўжаликлар бизнинг иқтисодиётимизда ҳал қилувчи бўғиндир. Уларга ёрдам бермаслик, уларнинг йўлига тўғаларча муносабат билан тўсиқ қўйиш ўз ризқини қийиш билан баробардир. Шунинг учун ризқ-рўзимизни етиштирадиган деҳқонларни ҳурмат қилишимиз, эъзозлашимиз даркор. Ҳар бир ҳоким ёки вазир, олим ёки ташкилот раҳбари — барча бу ҳақиқатни унутмаслиги керак, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Ўтган йили тегишли вазирлик ва ташкилотларга ер кадастирини тайёрлаш вазифаси топширилган эди. Бу нима учун керак? Аввало ер кадастири пухта ўрганилганда муайян ҳудудда, қишлоқ ёки жамоа хўжалигида маълум миқдордаги ҳосилни олиш учун қанча сарф-харажат кетиши аниқланади. Бунда ернинг унумдорлигидан тортиб, саноат корхоналаридан, сув ҳавзаларидан қанчалик йироқда эканлигигача эътибор берилади. Бошқача айтганда, деҳқонлар учун шароит тенг бўлиши керак. Оддий бир мисолга эътибор қилинг: Хоразм ёки Қорақалпоғистонга минерал ўғит олиб бориш учун кетадиган транспорт ҳаражати ана шу ўғит қимматидан ҳам ортиқ экан. Тошкент вилоятидаги хўжалик эса шундоқ химия заводи ёнида жойлашгани учун деярли транспорт харажати сарфламайди. Демак, Хоразмдагига нисбатан унга ўғит икки баробар арзон тушади. Бу адолатданми? Узоқ вилоятларда ҳосил етиштираётган деҳқоннинг айби нимада? Заводдан узоқда жойлашганидами? Бундан шундай хулоса чиқариш керакки, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи идора ва ташкилотлар, хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси деференциал тарифлар жорий этиши лозим. Токи деҳқон ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар боис зарар кўрмасин.

Халқда йил йилга ўхшамайди, деган гап бор. Бу нақл ўлкамизда рўй бериб турадиган табиий офатлар, табиат инжиқликлари, етиштириладиган ҳосилнинг миқдори маълум маънода ана шуларга боғлиқлигидан келиб чиққандир. Шу маънода ўтган 1996 йил деҳқонларимиз учун огир келди. Баҳорнинг кечикиши, сел келиши, ёмғирнинг етарли даражада бўлмагани туфайли кўп хўжаликлар зарар кўрди. Йил бўйи захмат чексада, деҳқонларимиз кутилган ҳосилни ололмади. Бунда уларнинг айби йўқ.

Илгари бизда давлат сўгурта идоралари фаолият кўрсатарди. Лекин улар айрим ношуд раҳбарларнинг айбини ёпишга, нафси ҳакалак отган кимсаларнинг кўнжини тўлдиришга хизмат қиларди. Яъни, «зарар кўрганлар», юқорида айтилган мезонлар таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик асосида аниқланар эди. Бошқаларнинг вазифаси эса сўгурта бадалларини тўлашдан иборат бўларди.

Ҳозирги шароит ана шу сўгурта компаниялари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди. Табиат инжиқликлари туфайли зарар кўрган хўжаликлар зарарини қоплаш лозим. Бу деҳқонларга нисбатан одилликни тиклаш борасидаги хайрли иш булур эди. Умуман, қишлоқ хўжалиги билан ҳисоб-китоб масалаларини такомиллаштириш зарур. Ўзининг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлигини исботлаган хўжаликларга техника сотиб олиш, ижтимоий ривожланиш мақсадлари учун кредит беришни йўлга қўйиш лозим. Айниқса молиявий аҳволи яхши бўлган хўжаликларда маош беришни кечиктиришга йўл қўйиб бўлмайди. Буни шу ишга алоқадор бўлган ҳар бир мутасадди раҳбар ёдда тутиши лозим.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқарувчидан муайян маҳсулотни етиштиришдан олдин уни сотиш масаласини ҳал этишни тақозо этади. Бунинг учун эса жойларда улгуржи савдо масаласини ечиш керак. Контрактация шартномалари асосида деҳқон ўз маҳсулотини кимга, қанча ва қандай нархда сотишини аниқ билиши лозим. Шундагина у хотиржам ва меҳнати самарасига ишонган ҳолда ишлайди. Демоқчиманки, деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирган маҳсулотини сотолмай утиришига йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалада уларга ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Акс ҳолда деҳқоннинг кўнгли меҳнатдан совийди.

Шўро тузумининг сўнги йилларидаги ижтимоий тенгликни бартараф этиш мақсадида марказнинг хоҳишига қарши ўлароқ биз одамларга томорқа ажратишга қарор қилган эдик, деди Ислом Каримов. Бу яхши натижа берди. Одамлар яратувчилик меҳнати билан банд бўлди. Натижада бозорларимиз турли ноз-неъматлар билан тўлди. Энди айтинглар, ана шу ишимиз, яъни одамларга ер берганимиз том маънодаги ислоҳот эмасмиди? Ахир бир ҳовлида саккизталаб оиланинг яшашига йўл қўйиб бўлармиди?

Бугун эса ана шу томорқа масаласига яна қайтишимиз, унинг барча жиҳатларини урганишимиз жоиздир. Бу йўлда нималарга эришдик, қандай муаммолар бор, яна нималар қилиш керак?

Томорқанинг бизга ибратли жиҳати шуки, у одамлар кўз олдида ҳақиқий мулк сифатида намоён бўлди. Шунинг учун одамлар унга ёпишади, кўз қорачиғидек асрайди, бола-чақаси билан ишлайди. Одатдагидан икки баробар кўп ҳосил олади. Бу ҳақиқий мулкнинг афзаллиги эмасми? Биз мулк ҳақиқий эгасини топсин деганда, мулкка бўлган ана шундай муносабатни назарда тутамиз.

Шунинг учун ҳам томорқа масаласининг ҳуқуқий жиҳатларини, ҳажмини яна бир бор кўриб чиқишимиз, унинг келажагини ўйлашимиз керак. Давлат мулкчиликнинг бу шаклига ўз кафолатини бериши, уни ҳимоя қилишини йўлга қўйишимиз лозим.

Кейинги пайтларда чорва моллари камайиб кетмоқда деган гаплар қулоқка чалинадиган бўлиб қолди, деди юртбошимиз. Афсуски, бунга ҳисоб-китобларнинг мукаммал эмаслиги сабаб бўлмоқда. Уларда хусусийлашган фермалар, аҳоли қўлига ўтган моллар ҳисобга олинмаяпти. Ҳозиргина тилга олинган бир мисолга эътибор беринг. Чиноз туманидаги «Муқимий» хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи фермани сотиб олгач, барча молни зотдор сигирларга алмаштирдим, деди. У моллар сонини икки баробар камайтирган бўлиши мумкин. Лекин сут етиштиришни оширган. Аввалги 16-20 тонна ўрнига ҳозир 75-80 тонна гўшт етиштирмоқда. Узингиз хулоса қилинг, мазкур ферма чорва туёғи ва маҳсулоти камайди, деб ўладими? Бошқа фермалар ҳам шундай йўл тутган бўлса-чи? Демоқчиманки, чорвачиликда сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Биз чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омили наслчиликни яхшилашдир, деган гапни такрор-такрор айтамиз. Раҳбарларнинг, олимларнинг бу ишга эътиборини тортамиз. Лекин ҳамон аниқ натижага эришганимиз йўқ. Қолаверса, бу хайрли ишни асосан тадбиркорлар амалга оширмоқда. Бу ҳам хусусий мулкчиликнинг яна бир шарофати эмасми? Ҳақиқий мулк эгасига туртки ҳам, бирор ишга даъват ҳам шарт эмас. У ўз юмушини билиб қилаверади. Унга халақит бермаслик лозим, холос.

Бизда ҳақиқий фермерлар, мулк эгалари, тадбиркор хўжалик раҳбарлари нега кам? Борларга ҳам нима учун вилоят ва туман ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар етарлича ҳайрихоҳлик билан қарамайдилар? Матбуот, радио ва телевидение нега уларни барчага ибрат қилиб кўрсатмайди? Амалга ошираётган ҳайрли ишларини тарғиб этиш орқали бошқаларда ҳам тадбиркорликка рағбат уйготиш мумкин-ку ахир?

Республикамизда иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни ўқитиш, келажагимизга хизмат қиладиган қобил инсонлар бўлиб етишиши йўлида ҳаракат қилинмоқда. Ўйлайманки, бу ишларимиз ҳам яқинда ўз натижасини бера бошлайди. Шу маънода кўп йиллардан буён ишлаб келаётган тажрибали ходимлар, ишбилармонлар орасидан ҳам янгича фикрловчи одамларни аниқлаш, уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш йўлга қўйиш лозим. Чунки қобилиятли кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди ҳисобланади. Уларнинг изланишлари, меҳнатларисиз жамиятнинг тараққиётга эришиши секинлашади. Ҳар бир вилоят ва туман ҳокимлигида ана шундай кадрларнинг рўйхати бўлиши, турли лавозимларга одам тайинлашда ундан фойдаланиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги яна бир муаммо унга агросервис хизмати кўрсатиш, етарли миқдорда техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдир. Бу масалани машина техника паркларининг — МТПларнинг ташкил этмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Шу боис МТПларни қўпайтириш, ҳамма жойда ташкил этиш зарур. Айтайлик «Кейс» комбайни ёки «Магнум» тракторини сотиб олишга ёлғиз фермер ёки жамоа хўжалигининг молиявий жиҳатдан кучи етмаслиги мумкин. Оқибатда у қунига 50 гектар ер ҳайдайдиган «Магнум» ўрнига 5 гектар ҳайдайдиган «Алтай»ни ёки бир йилда икки ой ишлаб бошқа вақт бекор турадиган «Р-4» тракторини сотиб олишга мажбур бўлади. Бунинг нима кераги бор? МТП эса маблағларни бирлаштириш ва унга керакли техника воситасини сотиб олиш имконини беради. Хуллас, МТП йўқ жойда ҳеч нарса — «Кейс» ҳам, «Магнум» ҳам бўлмайди. Ҳар бир раҳбар буни назардан соқит қилмаслиги керак.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиши лозим бўлган ташкилотлар қишлоқдан олисда — марказда жойлашган. Бу олимларга ҳам тегишлидир. Ана шу ҳолатга барҳам бериш, илм аҳлини қишлоққа яқинлаштириш, унинг муаммолари билан бақамти шуғулланишга имкон бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қошида янги тармоқ — марказ очдик.

Қишлоқ хўжалиги ривожи, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ҳокимликлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бугунги қуннинг талабидир. Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг модий манфаатдорлигини таъминлаш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайтириш ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан химия, агросервис, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига аралашиш, уларга тазйиқ ўтказиш, таъмагирлик ва тўраларча муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий барҳам бериш даркор. Яна такрорлайман, йўл қўйилган камчиликлар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Ана шунда биз халқимиз турмушини фаровон қилишдек олий мақсадларимизга эришамиз. Меҳнаткаш, фидойи халқимиз бор экан, Ўзбекистоннинг эртанги куни албатта порлоқ бўлади. Ана шу йўлда сизларга улкан муваффақиятлар тилайман, деди Президент пировардида.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги «Сарабий» деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси Й. Авезниёзов, Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Қувақов, Хонқа туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси У. Абдуллаев, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Ҳамроев, Наманган вилояти Уйчи тумани О. Муминов номидаги жамоа хўжалиги раиси Р. Исматуллаев, Сурхондарё вилояти Денов тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Узбекистон Қаҳрамони И. Файзуллаев, Тошкент вилояти «Муқимий» хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи М. Эрхўжаев, Фарғона вилояти Бешариқ тумани агрофирмаси раиси А. Абдуназаров, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, ислоҳотларни амалга ошириш борасида жойларда тўпланган тажриба, бу йўлдаги тўсиқ ва муаммолар хусусида батафсил тўхталдилар, узларининг фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини баён қилдилар.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Мажлисда республика Бош вазири У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Аҳмад ҲЎЖА (ЎзА).

ҲАРАКАТНИНГ БАРАКАТИ БОР

Ўтган йилнинг сарҳисоби Қарши туманидаги Яхши Омонов номли жамоа ширкат хўжалигида қувончли бўлди. Хўжалик заршунослари 1620 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, давлатга режадан ортиқ — 5300 тонна сифатли хом ашё етказиб беришди. Жорий йилнинг дастлабки кунларида ҳам устивор меҳнат қилаётган бу марди майдонлар кўкламги чигит экишга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Айтиш керакки, 15 та ҳайдов трактори билан барча майдонлар сифатли шудгорланди.

Ҳозир далаларда кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик қизғин. Чигит қадаладиган майдонлар чизелланиб, тупроқнинг майин ва унумдорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ерларни сифатли экишга тайёрлашда механизаторлардан Парда Бегимқулов, Қудрат Хўжамов, Ашир Ғойибовлар ғайрат кўрсатишяпти.

Маълумки, деҳқончиликда пушта олиш муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик далаларида ана шу муҳим ишга киришилган. Бунда Нурбой Примов, Бойимурод Бекмуродов, Ибрагим Назаров каби механизаторлар ишнинг ҳам сифатига, ҳам суръатига алоҳида қарашаяпти.

Ҳаракатнинг — баракати бор. Хўжалик заршуносларининг жорий йилги ҳаракатлари тезкор.

Худойберди НАЗАРОВ.

САМАРҚАНД СЕЯЛКАСИ

Самарқанддаги «Кинап» заводи қишлоқ хўжалиги, аввало пахтачилик учун сеялкалар ишлаб чиқариш марказига айлантирилди. Корхона конструктор-муҳандислари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳамкорлиги натижаси ўлароқ бу ерда ҳозиргдаёқ дастлабки сеялкалар ишлаб чиқарилди. Плёнка остига чигит экиш учун мўлжалланган янги сеялка синовдан яхши ўтди.

Шуниси эътиборга лойиқки, янги сеялка республикада чигитни плёнка остига экишда қўлланилаётган мавжуд агрегатлар орасида энг мукаммали деятан олинмоқда. Шу боисдан «Самарқанд» деб номланган мазкур мосламаларни кўплаб ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Корхона шу йилиёқ Самарқанд, шунингдек, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари пахтакорлари учун 600 та сеялка етказиб беради. Бу эса ўз навбатида кейинги вақтда анчагина иқтисодий қийинчиликларга дуч келган завод учун каттагина даромад келтиради.

Х. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

УРУҒНИ ДЕҲҚОННИНГ ЎЗИ ТАНЛАСИН

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятида бўлганида Термиз туманидаги ингичка толали пахта етиштирувчи «Халқобод» жамоа хўжалиги фаолияти билан танишиб, пахтанинг ҳосилдор, тезпишар янги навларини кўпроқ яратиш кераклигига эътиборни қаратган эди. Токи, қайси навни экишни деҳқоннинг ўзи танлаб олсин. Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Термиз тажриба станцияси ингичка толали пахтанинг қурғоқчиликка чидамли навлари селекцияси ва пахта толаси технологияси бўлими мудири, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори В. Истомин жануб иқлимига мос навларни яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида шундай дейди:

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

— Гапни узоқроқдан бошласак, Сурхондарёда 80-йилларнинг урталаригача 110-120 минг гектар ерга ингичка толали пахта экиларди, — дейди Вячеслав Михайлович. — Шундан кейин улар ўрнини ўрта толали навлар эгаллай бошлади. Ипак пахта деб аталадиган навлар 1995 йилда 20,5 минг гектардан кўпроқ, ўтган йили эса 15 минг гектарга яқин ерга экилди. Ҳатто вилоятнинг ёзи ута иссиқ, тез-тез гармсел ва «Афғон» шамоли эсиб турадиган Жанубий Термиз, Ангор, Музработ, Шеробод, Қизириқ, Жарқўрғон туманларида ҳам ўрта толали «Наманган-77» нави экила бошлади. Натижада бу туманлар йилма-йил пахта тайёрлаш режасини бажара олмаяпти.

Маълум бўлишича, ўрта толали пахта бу ҳудудларнинг иссиғига чидай олмас экан. Зеро, ҳарорат 37-38 даражага кўтарилганда ғўзада ҳосил элементлари кам тўпланади.

Тўғри, деҳқонларнинг ингичка толали пахтанинг баъзи навларига эътирозлари бор эди. Аввалги навлар кеч пишар, қўсаклари бирданига очилмас, машинабоп эмасди. Республикада теримни биринчи бўлиб бошлаган пахтакорлар ҳам кеч куз, ҳатто декабрнинг охиригача даладан чиқмасди. Очиғини айтганда, бу ҳеч кимни қониқтирмас эди. Чунки, терим мавсуми чўзилар, режани бажариш оқсарди.

Шу боис, тажриба станциямизда ингичка толали пахтанинг тезпишар, ҳосилдор, яхши тола берадиган, сувсизлик ва иссиқликка чидамли навларини яратиш борасида кўп йиллардан буён иш олиб бориляпти. Ютуқларимиз ҳам бор, албатта. Масалан, 2- ва 3-типдаги тола берадиган Т-14, Т-16, Т-31 ва Т-32 навлари деҳқонларга манзур бўлди. Айниқса, Т-24 деҳқонларнинг кўнглидагидек нав бўлиб чиқди. У тезпишар (115 кун), ҳосилдор (45 центнергача), қўсаклари пастдан юқорига қараб икки ҳафтада очилади. Энг муҳими, барглари табиий ҳолда тўкилиб, машина теримини осонлаштиради. Унинг нархи ҳам деҳқонларни қаноатлантиради. Афсуски, экиш пайтида ургуликка касаллик ва гаммозга қарши кимёвий ишлов берилмагани сабабли ушбу нав бой бўлди. Натижада чигит касалликка чалинадиган бўлиб қолди.

Кейинги йилларда тажриба станциямизда ингичка толали пахтанинг истиқболли Т-31, Т-32, Т-42 навлари яратилди. Деҳқонлар бу навларни экиб яхши натижага эришяпти. Ўтган йили Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида 500 гектар ерга Т-31 нави, 50 гектар майдонга «Наманган-77» нави экилди. Ингичка толали пахтадан уртача 44,2 центнердан, ўрта толали пахтадан эса 37 центнердан ҳосил олинди. Терим узоққа чўзилмади. 30 кунда режа бажарилди. Бу эса иссиқ иқлим шароитида ингичка толали пахта афзал эканини кўрсатди.

80-йилларда Орол муаммоси пайдо бўлиб, сувдан самарали фойдаланиш масаласи кўндаланг қўйилганда, биз иссиқлик ва сув танқислигига чидамли навларни яратишга киришгандик. Меҳнатимиз зое кетмади. 1995 йилда Т-101, Т-102 ва Т-103 навлари умуман суғорилмаган ва вегетация даврида бир мартагина (15 июлда) суғорилган шароитда синовдан ўтказилди. Бирор марта ҳам сув ичмаган Т-102 навининг ҳар гектаридан 34 центнердан, бир марта суғорилганидан эса 40 центнердан ҳосил олинди. Улар тез, яъни 95-105 кунда пишиб етилади. Касалликларга чалинмайдиган бу навлар эндиликда хўжаликларда кенг майдонларда синаб кўрилади.

Бу йил вилоятда 50 минг гектар ерда ингичка толали пахта экиш мўлжалланяпти. Андижон технологияси бўйича 15 минг гектар ерда чигит плёнка остида ўстирилади. Шундан 5-6 минг гектарини ингичка толали пахта ташкил этади.

Яқинда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг илмий ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат деҳқончилигимизнинг қатор соҳалари сингари селекция тадқиқотларини кенгайтириш, ютуқларни рағбатлантириш, илмий ходимлар ва мутахассислар манфаатдорлиги ҳамда масъулиятини оширишга, бинобарин ишимизни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

Балиқчи туманидаги С. Эргашева номли жамоа хўжалигида чорва қишлови муваффақиятли ўтмоқда. Боиси кўкламга етадиган миқдорда озуқа жамғарилган. Чорвадорларнинг мақсади молларни қишдан беталофат олиб чиқиш, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришдир. Бузоқларни парваришлашда бузоқбоқар Карима Жўраева ҳамкасбларига ўрнак бўлаяпти.

Суратда: Карима Жўраева.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

БЕЛЛАШГАНДА ҒАЙРАТ ЖЎШАДИ

Варахша чўли бағрида ташкил этилган «Зарафшон» ёрдамчи хўжалиги маркази ой сайин обод бўлиб бормоқда. Қисқа фурсат ичида бу ерда 45 та уй-жой, шунингдек, мактаб, боғча, магазин бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Пешку туманидаги 26-бошлангич мактабнинг ўқитувчилари Юсуф Раҳимов, Соли Икромов ва Омон Назаровлар яқинда янги беш хонали уйларга кўчиб кирдилар.

Қурилиш ва ободончилик ишларини «Нефтгазқурилиштаъмир» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Пролетаробод» механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари олиб боришяпти. Участка бошлиғи Солижон Қозоқов, прораб Давлатжон Бақоев, бригадирлар Рустам Ҳожиева, Баҳром Баҳронов, илғор ишчилар Бобожон Муҳсинов, Ботир Каримов ва Содиқ Зойировлар уй-жойларнинг қурилишида аъло сифат, тез суръатни таъминлаяптилар. Уларнинг ғайрати билан қисқа муддатда чўл бағрида яна 6 та 5 хонали уй-жойлар қурилди.

* * *

Пешку тумани тасарруфидаги ерларнинг асосий қисми шўрхок. Бундай ерларда мўл ҳосил ундириш учун коллектор ва зовурларни тозалаш муҳим аҳамиятга эга. Буни яхши тушунган жамоа хўжаликлари раҳбарлари тозалаш-кавлаш ишларига 7 та экскаватор, бошқа техника ва ишчи кучлари сафарбар этганлар. Бу ишга жалб этилган «Амубухороканалқурилиш» механизациялашган кўчма жамланма экскаваторчилари Наби Бозоров, Некбой Наврўзов, Икром Убайдовлар коллектор ва зовурларни тозалашда алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Тумандаги «Туркистон», «Боғимусо», Шариф Эргашев номли, Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжаликларида ҳам зах сув шоҳочаларини қазиш-тозалаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Қ. СОБИРОВ.

ФАРМОН

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТАЯНЧИ

«Яйлов чорвачилиги (қорақўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони соҳа кишиларига нима берди?

Собиқ Иттифоқ даврида ким-ким чўпонлар фаолияти дабдаба билан тарғиб этилди. Улар ҳақида ҳужжатли филмлар, бадиий асарлар яратилди. Газеталарда қўрсатилаётган «меҳрибонлик»ка жавобан ҳар юз совлиқдан ҳатто 200 тагача қўзи олишга аҳд қилган шоввозларнинг мақолаларини бериш одат тусига кирганди. Шундай бўлса-да, кўпчилик чорвадорларнинг кўнгли ёришмас, дардлари ичида эди. Ахир баъзи кимсалар уддасидан чиқиб бўлмайдиган ваъдаларни бериб, кўзбўямачилик қилиб аввало ўзларини, халқни алдашаётгани виждонли кишиларни қийнарди. Боз устига чорвадорлар, чўпон-чўлиқларнинг турмуш-турмушида яхши томонга ўзгариш сезилмасди. Қишлоқлар йиллар мобайнида қашшоқлигича қолди. Чўпонлар яшайдиган ерларга газ у ёқда турсин электр токи етиб келмади. Оқибат натижада оилалари тезак тутатиб овқат тайёрлашди, кечалари пилик ёқиб амал-тақал кун утказишди.

Фақат истиқлол ҳамда Президент фармонлари шарофати туфайли уларнинг қўксига шамол тегди. Юртимизнинг энг табаррук кишилари — чорвадорлар, демакки чўпонларга катта имтиёзлар яратилди. Юқорида қайд этилган республика Президентининг ҳаётбахш фармони соҳа кишиларини ижтимоий ҳимоялашнинг мустаҳкам таянчига айланди.

— Фармон шарофати билан **яйлов чорвачилиги чўпонлари, йилқичилари, механизаторлари, ветеринария ходимлари ва техниклари, бошқа мутахассислар 1992 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги солиғидан тўла озод этилди,** — дея мамнуният билан таъкидлайди Шурчидаги Усмон Дониёров номли хўжалик чўпони Норқул Тиловов. — Бундан ташқари **яйлов чорвачилиги ходимларининг ҳар йилги меҳнат таътили муддати 36 иш куни этиб белгиланди. Қорақўлчилик ва қўйчилик хўжаликлари кишиларининг меҳнат шароитидаги сувсизлик, бошқа табиий иқлим хусусиятлари ҳисобга олиниб, иш ҳақига қўшимча коэффициент жорий қилинди.**

Шунингдек, бир фармон шарофати билан **чорвачилик хўжаликларида камида беш йил узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга улар яшаб турган уй ёки квартиралари бепул шахсий мулк қилиб берилди. Фидокорлар автомобиллар, мотоцикллар, телевизорлар ва бошқа харидоргир маданий-маиший, хўжалик молларини биринчи галда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Хўжаликларни иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари маблағларидан кўмакчи иморатлари бўлган уй-жойлар қуриш учун қайтариб олмаслик шарти билан қарз берилиб, бинокорлик материаллари харид қилишда кўмаклашилди. Ёш чўпонлар оилаларига ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун имтиёзли шартларда сигирлар ёки отлар, туялар, қўйлар бериб, уларни ем-хашак билан таъминлашда мадад кўрсатиш йўлга қўйилди. 1992-1995 йиллар орасида Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида санаторий-профилакторийлар қурилди.**

Тармоқда алоҳида хизмат кўрсатган ходимлари рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қорақўлчи» фахрий унвони таъсис этилди.

— Ҳаётбахш фармонлар қаддимизни тиклади, номимизни улуғлади, оилаларимизга қўғозда эмас, амалда қут-барака олиб кирди, — дейди юқорида таъкидланган хўжалик чўпони Эшбой Хошимов. — Зиммамизга алоҳида масъулият юкланган. Таърифи етти иқлимга кетган хисор қўйларини қупайтириб вилоят хўжаликларига утказаяпмиз. Битта қўй 120 килограммгача тош босади. Узим 450 саралган хисорини меҳр билан парваришлаяпман. 112 чўпон ихтиёрида 12.600 та қўй бор. Улар мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий бойлигидир! Сабаби бундай ажойиблари унча-мунча ерда топилмайди. Яхши ишлаб, яхши даромад олаяпмиз. Бутур ҳар юз совлиқдан режадаги 82 ўрнига 90 тадан дуркун қўзи олишга эришдик. Хисори қўйчилик катта даромад манбаига айланди.

Хужаликда чорва қишлови яхши утмоқда, 28 та отарга бўлинган чўпон-чўлиқлар қийинчиликларни омилкорлик билан енгишмоқда. Улар керакли барча жиҳозлар билан таъминланишган. Чорва озуқаси масаласида деярли муаммо йўқ. Ем-хашак отарларга яқин ерларга ташиб келтирилган. Маданий-маиший хизмат кунгилдагидек ташкил этилган.

— Биз — чўпонлар куни кеча республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида муҳокама қилинган шу куннинг долзарб масалаларини манфаатдорлик билан муҳокама қилмоқдамиз, — дейди тажрибали чорвадор Султонмуродбой Бахтиёров. — Таъкидланганидек, биз ҳам кейинги пайтларда чорва моллари камайиб кетмоқда, деган гапларга қўшилмаймиз. Бунга ҳисобкитобнинг мукаммал эмаслиги сабаб. Чамаси аҳоли қўлидаги қўплаб моллар росмана ҳисобга олинмаяпти. Оиламизни мисолга олайлик. **Президент фармони бизга катта имконият яратди, у ижтимоий ҳимоялашнинг мустаҳкам таянчи эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдик. Ўзимизга яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб уй-жой қурдик, томорқали бўлдик, шахсий молларимиз сонини оширдик. Ҳозир ихтиёримизда 300 та ажойиб ҳисор қўйлари, 150 та эчки бор.** Бошқа ҳамкасбларимизнинг ҳам бойлиги оз эмас. Бундан ташқари хусусийлашган фермалардаги жониворларни ҳам ҳисобга олсак, биз тўғри фикр юритаётганлигимизга ишонч ҳосил қилинади. Тўғри, баъзи хусусий фермаларда туёқ сони камайган бўлиши мумкин. Бироқ моллар зотини яхшилаш ҳисобига маҳсулот етиштириш қупайтириб борилмоқда. Демак, ҳозирги кунда чорвачиликда сифат ўзгаришлари рўй беряпти.

Мирғиёс ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» шарҳловчиси.

ШАРҲ

Олис қирлар ортида

Қишни чорвадорлар учун синов даври дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Бу мавсумда биз молларни қишдан нобуд қилмасдан олиб чиқишимиз, маҳсулдорликни туширib юбормасдан, барча имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Айни пайтда ихтиёримиздаги 370 бош қўй бор. Уларни четдан ёрдамчи олмасдан оила аъзоларимиз билан парвариш қиляпмиз. Курсаткичлар ёмон эмас. Утган йили ҳар юз бош совлиқдан 101 бошдан қўзи олинди. Жониворларни боқиш учун яйловлар етарли. Улар қишда ҳам асосан даладан ўт-улан ейишади.

Бизнинг хўжалигимиз Қирғизистон Республикаси билан чегаралош. Қир-адирларда, яъни Улуттог бағрида жойлашган. Чорвачиликни, айниқса, қўйчиликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Қир-адирларнинг манзараси мени ўзига ром этган. Чўпонлик ота мерос. Илгари шу отарни отам бошқарар эди. Мана ўн икки йилдирки, унга мен бошчилик қиляпман.

Хўжалигимиз раҳбарлари ҳолимиздан хабар олиб туришади. Айниқса, ҳозирги қиш мавсумида уларнинг гамхўрлиги сезилмоқда. Идора билан алоқа қилиш учун рация ишлаб турибди. Яшашимиз учун уй ва вагон бор. Хуллас, турмуш кечириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бизнинг асосий вазифамиз қўйларни қишдан нобуд қилмасдан олиб чиқиш.

Чорвадор учун синов мавсуми муваффақиятли утмоқда. Совуқ тушган бўлишига қарамасдан, ҳамма қўйлар қир-адирларда озиқланяпти. Жониворларни қишдан нобуд қилмасдан олиб чиқиш учун ем-хашак етарли. Мақсадимиз ҳар доимгидек жорий йилда ҳам моллар бош сонини қупайтириш ва яқинлашиб келаётган қузилатиш мавсумини муваффақиятли утказишдир.

Одина БЎРИҚУЛОВ,
Марҳамат тумани Йўлдош Оҳунбобоев номли жамоа хўжалигидаги отарнинг бош чўпони.

БОЗОРМИ, ҚУНГИЛ ОЗАРМИ?

Бўка туманидаги мол бозори шаҳар марказидан унча узоқ бўлмаган катта сой бўйида жойлашган. Гарчи ҳали тонг ёришмаган бўлса-да, бозор чорва моллари билан тўлган. Одамлар гавжум. Ичкарига кириш машаққатли. Занглаб кетган очиқ дарвоза оралиғида йўлни тўсиб, беписанд туриб олган йигитлар шовқин солишарди.

— Ҳой, тўхта, чек олларинг, — дея бақиради уларнинг бири. Қўлида бир даста пул ушлаган иккинчиси эса молини судраб келаётган болани енгидан тутганича зарб билан узига тортди.

— Пулини чиқаз!

— Тўхтанг ака, сузади, пулини отам тўлайдилар, — дея зорланди ўспирин.

Йигит уни қўйиб юбориб, ёнидаги қария узатган пулни юлқиб олди-да, дарҳол ўгирилиб, ичкаридан қўй етаклаб чиқиб келаётган кишининг йўлини тўсди.

— Чеки қани, кўрсат.

Дарвоза ёнидаги манзара бир нав экан.

Бозор ҳовлисида бемалол қадам ташлаш мушкул. Ер билч-билч лой, унинг устига ҳамма ёқни тош босиб ётибди. Аранг одимлайсиз. Ҳайҳотдек бозорда иккитагина жинчироқдек лампалар милтиллаб турибди. Мол харид қилганлар ўша чироқлар остига бориб, лой аралаш гунг устида пул санашаяпти. Шундай ноқулай шароитда, бозорнинг ўртасида таомлар савдоси чаққон. Каббобпазларнинг бозор ўртасига қўйилган қўраларидан чиқаётган аччиқ тутун, жизғанак ёғ ва иси чор атрофни тутиб кетган, кўз ачишади. Тоғараларда эса, манти, ҳасип, хоним, писта, ерёнғоқ. На бир пана жой, на бир мол боғлайдиган қозиқ бор. Атрофдаги деворлар йиқилиб ётибди.

Дарвоза томон юрдик.

— Эллик сўм тўлайсиз, бўлмаса орқага қайтинглар, — ушқирди дарвоза посбонлари.

— Биринчи бор келишимиз, эгасидан чекни олишни унутибмиз, ахир мол бозорга кирган-ку, демак чеки ҳам тўланган, — деди қария.

Хайриятки, мол эгаси инсофли одам экан, чекни олиб келиб қолди. Ташқарида яна ҳангома бошланди. Қорамолларни машинага чиқариш учун жой йўқ.

Уйга қайтар эканмиз дилимизда ҳақли саволлар туғиларди. Бўка тумани мол бозоридаги бу тартибсизлик, бошбошдоқликлардан туман ҳокимлигининг хабари бормикин? Бозор раҳбарлари қаёққа қарашяпти? Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини қачон таъминлашади? Ҳолбуки, мазкур ҳужжатларда бозорларнинг ҳажмидан қатъий назар, барча шароитни яратиб бериш, жамоат тартиби ва санитария қоидаларига қатъий амал қилиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Яна муҳими, тушумларнинг 50 фоизини айнан бозор ободончилиги учун йўналтирилиши белгилаб қўйилган. Бўка тумани мол бозорида шохли моллар ва отлар учун 50 сўмдан, қўй-қузилар учун 25 сўмдан чек олинаётганлигини назарда тутадиган бўлсак тушумнинг тенг ярми қачон ободончиликка сарфланади? Қўшни Пискент, Урта Чирчиқ, Оққўрғон мол бозорларида яхши шароит яратилган-ку! Бўка туманида эса бундай шароитни ким яратади?

Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҚИШЛОВ СОЗ ЎТЯПТИ

Ойнаи жаҳонда

3 — 9 февраль

ДУШАНБА, 3

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлкамизда қиш». «Чоткол тизмалари бўйлаб». Манзарали фильмлар.
8.55 «Фармон ва ижро».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 24-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илм узликни билмкадир». Публицистик курсатув.
10.30 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Сусанбил». Хоразм Давлат кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.10 «Вазият комида». Телесериал.
11.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Ўрон сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Узкинохроника» намойиш этади: «Ватан ҳизматида». Ҳужжатли фильм премьерасы.
18.20 «Ташаббус». Тадбиркорлар кўрик-танлови.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.35 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
22.10 «Маънавият». «Навбаҳор» тароналари.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 25-қисм.
23.15 «Маънавият»... «Ҳадислар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
I
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.40 «Тулпор».
18.55 «Қалбимда Ўзбекистон».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиқ-қан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.00 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.10 Кундалик.
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.30 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.
III
17.45 Янгиликлар.
17.50 «Зарафшон». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
*
18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Ўргимчак тури». Телесериал. 1-серия.
22.30 «Синема». Кинокурсатув.
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Курсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дидар».
19.40 Авторейд.
20.20 «Жаҳон».
20.40 «Тасвир».
21.00 «Спорт-тайм».
21.30 «Чироқ».
21.40 Эълонлар.
21.45 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.35 «Иккн кишилик дастурхон». И. Николаев.
23.00 «Кимга, қанақа?»
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Лули».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 25-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Ботма, қуёш!». Публицистик курсатув.
13.15 «Эски саройда». Мультфильм.
13.25 Ўзбек қуйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.25 «Оғалар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Оҳанглардан таралган меҳр».
21.30 «Альманах-ТВ».
22.00 Спорт, спорт, спорт.
22.10 «Маърифатнома». Лайлатул қадр.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизон бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 26-қисм.
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.30 ТВ плюс...
18.40 «Киносайёра».
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиқ-қан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.45 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.35 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.50 «Жилет-спорт».
23.20 Эълонлар.
23.25 ТВ IV да «Немис тулқини».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Маърифатнома». Лайлатул қадр.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тоғлар чорлайди».
8.55 «Ҳамкорлик самаралари».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизон бадиий фильм. 3-фасл. 26-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаба ва спорт».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табиёт.
11.00 Янги алифбони урганамиз.
11.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
12.30 «Ассалом, япон тили».
13.10 «Соғлом авлод учун».
13.30 «Фермер». Тележурнал.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уч қурбақа». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруг оламда Ватан битадур...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Табаррук қадамжолар.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.45 «Автоолам».
22.00 «Талқин. ХХ аср».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизон бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 27-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20— 00.30 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.40 «Болажон» экрани.
11.20 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Таманно».
11.55 «Ўнутилмас тасмалар».
13.35 «Мезбон».
13.50 — 15.30 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Аралаш-қуралаш».
18.30 Мульти-пульти.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиқ-қан фирибгарлар». Телесериал.
20.15 «Оғриқ тиқилар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видео — «О».
22.30 Кундалик.
22.35 «Сеҳргар». Курсатув ва эълонлар.
22.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.15 — 24.00 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Ранг-тасвир табассуми». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Ўргимчак тури». Телесериал. 4-серия.
22.30 «Битлз». Ҳужжатли фильм. 3-серия.
*
23.25 — 23.55 Россия давлат телевидениеси.
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Она».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эллада».
21.30 «Интер-спорт».
21.40 «02» тулқинида.
21.55 «Болалар боғчасидаги саққоқуш». Телефильм (Япония).
22.45 «Клип-антракт».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Халқаро фитналар». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 7

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 Лирик концерт.
9.00 «Файзли дамлар».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 28-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
Ўқув кўрсатувилари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Қушигим, жон қушигим».
12.30 «Ривоят ва наволар». Мусиқий курсатув. 2-қисм.
13.00 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик курсатув.
13.30 «Бетакрор наволар соҳиби». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.30 «Абдуллажон». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.30 Бизнес ҳафта якундари.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Соғлом авлод учун».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.40 «Дилнавоз садолар».
22.10 «Одобнома».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 28-қисм.
23.15 Мумтоз куйлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20— 00.30 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.40 «Болажон» экрани.
11.20 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Таманно».
11.55 «Ўнутилмас тасмалар».
13.35 «Мезбон».
13.50 — 15.30 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Аралаш-қуралаш».
18.30 Мульти-пульти.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиқ-қан фирибгарлар». Телесериал.
20.15 «Оғриқ тиқилар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видео — «О».
22.30 Кундалик.
22.35 «Сеҳргар». Курсатув ва эълонлар.
22.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.15 — 24.00 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Ранг-тасвир табассуми». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Ўргимчак тури». Телесериал. 4-серия.
22.30 «Битлз». Ҳужжатли фильм. 3-серия.
*
23.25 — 23.55 Россия давлат телевидениеси.
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эллада».
21.30 «Интер-спорт».
21.40 «02» тулқинида.
21.55 «Болалар боғчасидаги саққоқуш». Телефильм (Япония).
22.45 «Клип-антракт».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Халқаро фитналар». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 6

I
6.30 Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
8.55 Иқтисодиёт чорраҳаларида.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 27-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Изланишлар қанотида.».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини урганамиз.
11.30 География.
*
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Ишбилармон».
13.10 «Ривоят ва наволар». Мусиқий курсатув. 1-қисм.
13.40 «Оламга саёҳат». Кинокурсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кузгудаги акс» Фототанлов.
18.20 «2000 йилдан сўнг» Телесериал.
18.40 «Дилнавоз садолар».
18.50 «Катта танаффус».
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.40 «Дилнавоз садолар».
22.10 «Одобнома».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 28-қисм.
23.15 Мумтоз куйлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20— 00.30 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.40 «Болажон» экрани.
11.20 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Таманно».
11.55 «Ўнутилмас тасмалар».
13.35 «Мезбон».
13.50 — 15.30 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Аралаш-қуралаш».
18.30 Мульти-пульти.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиқ-қан фирибгарлар». Телесериал.
20.15 «Оғриқ тиқилар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видео — «О».
22.30 Кундалик.
22.35 «Сеҳргар». Курсатув ва эълонлар.
22.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.15 — 24.00 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Ранг-тасвир табассуми». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Ўргимчак тури». Телесериал. 4-серия.
22.30 «Битлз». Ҳужжатли фильм. 3-серия.
*
23.25 — 23.55 Россия давлат телевидениеси.
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Она».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эллада».
21.30 «Интер-спорт».
21.40 «02» тулқинида.
21.55 «Болалар боғчасидаги саққоқуш». Телефильм (Япония).
22.45 «Клип-антракт».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Халқаро фитналар». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 8

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 29-қисм.
10.00 Цирк! Цирк! Цирк!
10.30 Учқун Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Эл аро машҳурдур». Алабий курсатув,
13.15 «Ёш кўч». Тележурнал.
13.35 «Ривоят ва наволар». Мусиқий курсатув. 3-қисм.
14.05 — 15.20 «Суюнчи». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Совга».
18.20 «Одам».
18.35 Ҳабиб Саъдулла. «Рамазон муножоти».
18.50 «Сиз севган қушиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари».
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Маърифатнома».
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 «Азиз сиймолар». Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Тугон Режаметов.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 30-қисм.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Абадият сари йўл». Бадиий фильм.
II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 Яна эълонлар. ..
9.30 Телевидение ва театр.
9.50 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ҳанда дукони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.20 «Бутуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Уолт Дисней боғида».
19.10 «Қадр ортида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Ҳозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми»
Дам олиш дастури:
21.00 Видео — «О».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
23.15 — 23.30 «Спорт қитъаси».
III
18.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.40 Ўзтелерадиокомпания камер оркестрининг концерти.
*
19.10 — 22.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.40 Эълонлар.
22.45 «Дахшатлар кафеси». Бадиий фильм. 3-серия.
*
23.35 — 00.05 Россия давлат телевиденнеиси.
*
00.05 — 00.20 «Асрлар оҳанги». Телефильм.
IV
9.00 Аэробика.
9.20 «Клип-антракт».
9.30 «Комедианглар».
9.50 Кининнг олтин асри. Вероника Кастро «Монте Карло» фильмида. 1-серия.
11.15 «Клип-антракт».
11.25 «Рақслар қанотида».
11.55 «Шанба эртаги».
13.25 — 13.45 Корейс тилини урганя

ҲАЛОЛИ ЭГАСИГА БУЮРАДИ

— Давлат хазинасини солиқ мустаҳкамлайди, — **деди Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Амрулло Бобохўжаев.** Зеро, мамлакатимизда бошланган иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга кенг тадбиқ этишда бизнинг соҳа кишиларининг ҳам ҳиссаси катта. Айтиш мумкинки, биз йилни ёмон бошламадик. Бунга ўтган йилни яхши якунлаганимиз сабаб, деб ўйлайман. Мўлжал вилоят бўйича 4 миллиард 801,3 миллион сўм миқдорида белгиланган бўлса-да, йил якуни бўйича бюджет даромадига (тезкор маълумотларга кўра) 5 миллиард 548,4 миллион сўм ундирилди ва режа 115,6 фоизга бажарилди.

Лекин муаммолар ҳали кўп. Гарчанд вилоят бўйича 12 минг 751 та ташкилот рўйхатдан ўтган бўлсада, шундан 10 минг 160 таси фаолият кўрсатмоқда. Бу ташкилотларнинг ҳам 2277 таси бюджетдан 5 миллиард 101 миллион сўм қарз бўлиб қолган. Биз бу тащкилотларга хабарномалар юбориб бир ой муддат ичида тўланмаган тақдирда қарзлар уларнинг молмулки ҳисобидан ундирилиши тўғрисида огоҳлантирдик.

— Қонунчиликни бузган ишбилармонларга қандай чоралар кўрилмоқда?

— Ўтган йили вилоят бўйича ўтказилган текширишлар натижасида 3785 та ташкилотда камчилик аниқланиб, 80,1 миллион сўм қўшимча солиқ ва 100,7 миллион сўм молиявий жарима ундирилган. 5131 мансабдор шахс солиқ қонунчилигининг бузилишига йол қўйганлиги учун маъмурий жаримага тортилди. Мисол учун «Узавтодор» акционерлик концернига қарашли корхоналардан 2 миллион 374 минг, «Узсувқурилиш» концернига қарашли 7 та ташкилотдан 7 миллион 866 минг, Жондор тумани «Узбекистон» жамоа хўжалигидан 5 миллион 376 минг сўм, Ромитан туман «Гулистон» фермер хўжалигидан 2 миллион 723 минг, Ромитан тумани «Янгиобод» жамоа хўжалигидан 800 минг сўм. Олот тумани «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалигидан 1 миллион 302 минг сўм маблағ давлат фойдасига ундирилди. Ромитан туманидаги «Алишер» фирма хазинасида кирим бўлган 94 минг сўм савдо тушуми банкга топширилмасдан бошқа ҳаражатларга ишлатилганлиги учун фирма раҳбари Раҳмон Сафаров маъмурий жавобгарликка тортилиб, 2750 сўм жарима белгиланди.

Шунингдек, ерни камайтириб кўрсатиш натижасида солиқни яшириш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Жумладан Қоровулбозор ҳудудида «Ер баланси» ҳисоботи бўйича 11 та жамоа ва ижара хўжаликларининг жами суғориладиган ер майдони 15 минг 650 гектар бўлгани ҳолда туман Давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботда 14 минг 590 гектар деб кўрсатилган. Текшириш натижасида ўша ҳисоботга нисбатан 400 гектар қўшимча суғориладиган ер майдони борлиги аниқланди. Бундан ташқари 10 минг 299 гектар яйлов, 8 гектар ижтимоий қурилиш ва бинолар, 710 гектар бошқа ерларни банд қилган майдонлар ҳисоботдан камайтириб кўрсатилганлиги маълум бўлди. Умуман жами камайтирилган майдон 12 минг 278 гектарни ташкил этди ва маҳаллий бюджетга 1 миллион 32 минг сўм ер солиғи ва шунча миқдорда молиявий жарима ҳисобланди.

— Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар иши қандай тартибга солинмоқда?

— Ишон, лекин текшириб тур деган гап бор. Шунинг учун тадбиркорлар ишини мувофиқлаштириш ва солиқ қонунчилиги устиворлигини таъминлаш учун вақти-вақти билан текширишлар, рейдлар ўтказилаяпти. Текшириш натижасида солиқ қонунчилигини бузган баъзи тадбиркорларга қонун юзасидан чора кўриб, жарималар солинмоқда. Солиқ қонунларини бузиб фаолият кўрсатаётган 3730 нафар-фуқаро аниқланди. Шулардан 3157 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 2 миллион 888 минг сўм жарима давлат бюджети ҳисобига ундирилди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида қандай ўзгаришлар бор?

— 1997 йил солиқ қонунчилигига бир қанча ўзгартишлар киритилди. Жумладан, фойда солиғи бир фоизга камайтирилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи 17 фоиздан 10 фоизга туширилди, лекин бошқа корхона ва ташкилотлар учун қўшилган қиймат солиғи 17 фоиздан 18 фоизга кўтарилди. 1997 йилда транспорт солиғи бекор қилиниб, корхоналар мол-мулки ҳисобидан тўланадиган мулк солиғи 2 фоиздан 3 фоизга оширилди. Маълумки, ўтган йили жамоа хўжаликлари барча қатори транспорт солиғи тўларди. Бу йил транспорт ва мол-мулк солиғи бирлаштириш муносабати билан жамоа ташкилотлари иккаласидан ҳам озод қилинди. Шунингдек, 1997 йилда ер солиғи ва сув тўлови солиқ ставкаларига ўзгартириш киритилди. Бу йилдан бошлаб 1 фоиз экология солиғи жорий этилди. 1996 йилда рентабеллик даражаси 40 фоизгача бўлса 3 фоиз, 40 фоиздан юқори бўлса 20 фоиз фойда солиғи тўланарди. Жумладан, жамоа хўжаликлари асосий фаолиятидан тўлайдиган фойда солиғи рентабеллик даражаси 25 фоизгача бўлса 3 фоиз тўлайдилар. Рентабеллик даражаси 25 фоиздан юқори бўлса 20 фоиз миқдорида фойда солиғи тўлайдилар.

— Солиқ бошқармаси ва туманлардаги солиқ инспекцияларининг маъмурий органлар билан ҳамкорликдаги ишлари ҳақида ҳам сўзлаб бersангиз?

— Кўпинча солиқ тизими ходимлари жойларда текшириш ва тафтишлар ўтказилиб йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб кузатув бўлимларига топширмоқдалар. Кузатув бўлимлари ходимлари ўз навбатида айбдорларга нисбатан тегишли чора белгиламоқдалар. Баъзи бир материаллар маъмурий органларга ўтказилиб, уларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо қўрилмоқда. Масалан, «Бухоромебель» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 4-савдо дўкон мудири 81 минг сўмлик мулкни ўзлаштирганлик ҳолати бўйича Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан Узбекистон Республикаси жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-банди билан жиноят иши қўзғатилиб суд муҳокамасига юборилган эди Мудир И. Муминов суд томонидан айбдор ҳисобланиб 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Бухоро шаҳарида яшовчи, 1971 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Саид Тиллаев ҳам жиноят устида қўлга олинди. Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текшириш ўтказилганда, унинг уйидан 13 бочка (ҳар бири 200 литрли) спирт, турли спиртли ичимликлар учун ёрлиқлар, 2 та ароқ оғзини ёпадиган мослама ҳамда 426 шиша «Шоҳруд» ароғи чиқди. Ғиждувон туман «Зуфар» хусусий савдо дукони сотувчиси Расул Қобилов ҳам нафсини тиёлмаганлардан экан. Текшириш натижасида у 1996 йилнинг 24 апрелидан 18 июлигача 53,2 минг сўм савдо пулини назорат касса машинасидан ўтказмаганлиги аниқланди. Савдо қоидаларини бузганлиги учун Воб-кент туманидаги хусусий фирмага қарашли «Гулруҳ» савдо хўжалиги сотувчиси Б. Азимов ва шу тумандаги «Анвар « ҳиссадорлик жамиятига қараши 2-сон савдо дукони сотувчиси Б. Ражабовларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Режалар — катта. Ишимизда туб бурилиш ясаш учун ҳаракат қилаяпмиз. Солиқ ходимлари ўртасида интизомни кучайтираётирмиз. Текширишларнинг самарадорлигини ошириш йўлини излаяпмиз. Мақсад тадбиркорларни ўзимиздан бездириб эмас, балки улар билан ҳамкорликда ишлаш, уларга амалий ёрдам бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилаяпмиз.

Суҳбатдош Воси НОСИРОВ.

Инсон, иймон, қонун

МУҚАДДАС ҚИШЛОҚ



Хива туманидаги Соёт қишлоғи Хоразм воҳасида анча машҳур. Бу ерда буюк шайх Нажмиддин Кубро таваллуд топган. У кишининг қишлоқдаги зиёратгоҳи бизнинг замонамизгача сақланиб қолган. Айни кунларда зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

Соёт қишлоғи Рузмат Мадаминов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Хўжалик қишлоқнинг ободончилигига катта эътибор бераётганлиги сабабли бугунги кунда у воҳадаги энг обод қишлоқлардан бирига айланган. Машҳурлиги жиҳатидан хўжалик ҳам Соёт қишлоғидан ортда қолаётгани йўқ. Яқинда мазкур хўжалик ташкил этилганига 70 йил тўлади. Ҳозирда у республикадаги энг пешқадам хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжаликнинг умумий ер майдони 4274 гектарни ташкил этади. Шунинг 1970 гектарида деҳқончилик қилинади. Ерлардан ҳар йили юқори ҳосил олинмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорликка кенг йол очиб берилаётгани сабабли хўжалик иқтисодий жиҳатдан усиб бормоқда. Бу эса мана шу ҳудудда ижтимоий ҳаётнинг бир қадар юксалишига олиб келяпти. Ҳозир жамоа хўжалигида 6 та мактаб, 5 та боғча-ясли, шифохона, туғруқхона, маданият саройи, «Бахт уйи», бир неча кутубхона ва дуконлар мунтазам фаолият кўрсатаяпти. Шунинглек, темирчилик, кулолчилик устахоналари ва дурадгорлик, гилам тўқиш цехлари ишлаб турибди.

Соёт қишлоғида булар экансиз бу ерда миллий қадриятлар, урф-одатлар ўз ўрнини топаётганидан қувонасиз.

СУРАТЛАРДА: 1. «Чодира» боғидаги ороmгоҳ. 2. Дурадгорлик цехи бошлиғи Равшанбек Каримов (чапда) ва дурадгорлар Ғайрат Олимов ҳамда Нодир Отабоев.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар. (ЎзА)



ТУРФА ОЛАМ

Қайнона-келин мажораси кўпгина оилада бўлиб туради. Хитойнинг шимоли-шарқидаги Далиян шаҳридаги бир кўчада қайнона-келинлар ўртасида уриш-жанжал сира бўлмаган. Улар худди она-болалардек яшайдилар. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича 50 нафар оила истиқомат қиладиган бу кўчада бирор марта ҳам «қайнона-келин» ўртасида жанжал чиқмаган.

***

Ҳар хил байрамлар ўйлаб топишни хуш кўрадиган Бразилия халқи шу кунларда яна бир катта тантанага тайёргарлик кўряпти. Навбатдаги байрам Бразилиянинг таниқли адиби Жорж Амадуга бағишланади. Карнаваль февраль ойида Салвадор шаҳрида ўтказилади.

Ж. Амаду ўзининг илк китобига «Карнаваллар мамлакати» дея ном берганлиги бежиз эмас.

***

27-январь — Австрия миллий қунини Сюзан Марони исмли қиз Сиднейдан Ньюкаслгача бўлган денгиз йўлини сузиб ўтиб, ўзига хос нишонлади. У 120 километрлик масофани 30 соат ичида сузиб ўтди.

* * *

Красноярскдаги «Ўнг соҳил тозалаш иншоотлари» корхонаси ишчилари сўнгги маошга ҳайкал қўйишди. Унга шундай сўзлар битилган: «Маош, сени хотирлаймиз. Севамиз, ёзғирамиз. Ажал фурсати — 1995 йил октябрь».

Дарвоқе, айнан ўша муддатдан буён корхона ишчилари тузукроқ маош олишгани йўқ.

МАҲАЛЛАЧИЛИК

Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи Тожиевлар оиласи республикада биринчилардан бўлиб оилавий болалар уйларини ташкил этиш таклифини қўллаб-қувватлаб чиқди. Маҳмуд ва Дилбарнинг бешта фарзанди бўлишига қарамай, яна етти нафар болани тарбияга олишга қарор қилишди. Улар болаларни ўзимники е бегона деб ажратгани йўқ. Оиланинг янги аъзолари ҳам уларга ота, она деб марожаат қилади. Чунки болалар бу хонадонда она меҳри ва ота ниғоҳини, оиладаги ўзаро меҳр-муҳаббатни, яқинликни ҳис қилмоқда.

Барча ота-оналар каби Тожиевлар ҳам болаларини кийинтириб, ёдиришдан ташқари, уларнинг келажаги ҳақида ҳам қайғуришади. Улар келажакда ким бўлиб етишади, ҳаётнинг мураккаб синовларига бардошлари етадими? Болаларнинг бирон-бир касб эгаллаши учун оилавий корхона ташкил этилди. «Ғузал» деб номланган бу корхонада ошхона ва савдо дукони очилди. Болалар ўқишдан бўш пайтларида ота-оналари бошчилигида ошпазлик касбини ва бизнес сирларини ўргана бошлади. Ишлар юришиб, корхона даромад келтира бошлади. Шу сабабдан оилавий кенгаш ўтказилиб, қандолатчилик ва тикувчилик цехлари очишга қарор қилинди.

Кўп болали оиланинг бундай корхона очишга қурби етмасди, албатта. «Оҳангарон шифер» акциядорлик жамияти бу оилани оталиққа олди. Ишни бошлашга ёрдам бериб, «Ғузал» хусусий фирмасининг дукон ва ошхонаси қурилишига кетган сарф-харажатни ўз зиммасига олди. Жамият яқинда Тожиевлар оиласи учун янги коттеж қуриб беришни мўлжалламоқда.

Бир нечта етим болани ўз қарамоғига олиб, оилавий болалар уйини ташкил этган новойлик Пардаевлар хонадони ҳам болаларда меҳнатга ҳурмат уйғотиш ҳамда биронта касб эгаси бўлиш учун уларни ўқитишга алоҳида эътибор бермоқда.

— Бугунги кунда республикамизда бундай оилавий болалар уйлари саккизтага етди, — дейди Узбекистон болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова. — Ишонаманки, бу ҳаракат тез кунларда одатдаги ҳолга айланиб қолади. Бу ишонч — халқимизнинг саховатпешалиги ва оқ кўнгиллиги сабали тақдир тақозоси билан ота-онасиз қолган кўплаб болаларнинг янги ота-она қучоғига қайтиши, бахтли ва нурли истиқболга эга бўлиши натижасида пайдо бўлган тўғридир.

А. ИВАНОВА, Ўз А мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЎзПИТИ) 1997 ЙИЛ ҲИСОБИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кундузги ва сиртқи бўлимларга: умумий деҳқончилик, мелиорация ва суғорма деҳқончилик, тупроқшунослик, агрохимия, селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик.

АСПИРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР:

Институт бош директори номига ариза ҳамда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур: шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсифнома, чоп этилган илмий ишларнинг рўйхати ёки кираётган ихтисоси бўйича реферат, диплом ва зачет дафтарчасидан кўчирма, меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан олинади: танланган ихтисоси бўйича, чет тили, Узбекистон тарихи ва фалсафа.

Аспирантурага кириш учун ҳужжатлар йил давомида қабул қилинади.

Имтиҳонлар икки босқичда ўтказилади: 20 февралдан 20 мартгача ва 2-босқичи 20 ноябрдан — 20 декабргача.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш ёки бевосита топшириш мумкин: 702133, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, УзПИТИ, Аспирантура бўлими.

Телефонлар: 64-20-45, 64-18-96.

НАЗАРМАТ.

БУГУННИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Яхши хаёл дилни кўтарар,
Азми фаол элни кўтарар

* * *

Ҳаёт кўрки қўлингда бўлсин,
Пок ниятинг йўлингда бўлсин.

* * *

Учар гиламда учмайлик,
Учар оламни қучайлик.

* * *

Одам учун яралган олам,
Олам учун яралган одам.

* * *

Қисмат ҳар хил бўлар жаҳонда,
Тош ўлчови турар инсонда.

* * *

Ватан иккинчи қўёшдир,
Қадрин билганга йўлдошдир.

* * *

Жанг кўрган осойиш дамни ўйлар,
Ерга мунаввар кўкламни ўйлар.

* * *

Дунёнинг ҳикмати оқибатдан у,
Инсоннинг ҳиммати садоқатдан у.

* * *

Эрк кетса илингдан қисмат демагил,
Қисмат деб ўзгага хизмат этмагил.

* * *

Қарсак чалинмас бекор,
Ўнда бор меҳру иқрор.

* * *

Тилни билган бир бошқа,
Дилни билган бир бошқа.

* * *

Ижод қарамас ёшга,
Қудрати ўтади бошга.

* * *

Инсоний чирой юздан билинмас,
Гўзаллик нури кўзга илинмас.

* * *

Муҳаббат мангу илоҳий эътиқод,
Нодонга мавҳуму донога мурод.

* * *

Қимқи бўлса баҳри кенг,
Унинг элга баҳри кенг.

* * *

Қўпол муомила балбўй ҳаво,
Яхши муомала обрўй, даво.

* * *

Вафо қилмасанг жонона қайда,
Фидо бўлмасанг эл, она қайда.

* * *

Зиё кўрган фикридан билинур,
Дунё кўрган шукридан билинур.

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёт даражаси унинг болаларга муносабати билан ўлчанади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг оғир шароитида биринчи навбатда ота-онасиз болалар ижтимоий ёрдамга муҳтождир. Узбекистон болалар жамғармаси уларнинг оила даврасида униб-ўсишлари ва меҳр-оқибатни қайтадан ҳис қилишларига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жамғарма ташаббуси билан республикамизда оилавий болалар уйлари ташкил этила бошлади.

Бу ташаббус ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Узбек халқи ҳамиша ўзининг саховатпешалиги, энг оғир дамларда муҳтожлар дардига шерик бўлишдек ҳислатлари билан улуғланади. Иккинчи жаҳон уруши пайтлари душман босиб олган ҳудудлардан келтирилган минглаб болалар Узбекистонда бошпана топганини биламиз. Халқимиз уларни оилага қабул қилиб, кийинтириб, едириб-ичириб қолмасдан, ўз ота-оналаридек атрофида парвона, меҳрга зор дилларга майн охири, июлнинг бошида яна бола очиши мумкин.

Ўчирма бўлган қушчалар фақат умуртқасиз ҳашаротларни ейишади. Катта қораялоқлар эса қўнгизлар, капалаклар ва ҳоказо ҳашаротларни ейди. Кузда ва қишда емиш қолмаганида улар узум, дўлана каби мева-чева қодиқлари билан озиқланади. Улар ҳашаротларни йўқ қилиб, катта фойда келтиришади. Шу боис бежирим ва хушовоз бу қушларни авайлаб-асраш жоиз.

М. МАХМУТОВ, табиатшунос.

Табиат кўрки

ЁҚИМЛИ ҚУШ

Қораялоқ Урта Осиёнинг ўрмон билан қопланган тоғларида, баъзи туманларида шаҳар ва қўрғонларда яшайди. Чунончи Тошкентда, Андижонда, Самарқандда ва бошқа аҳоли истиқомат қиладиган жойларда учрайди. Тиниқ қора патлари, инсонга ишонувчанлиги ва хушовоз сайроқилиги киши эътиборини тортади.

Дарвоқе, эрта тонгда тоғларда ва тоғ этакларида қумридан кичикроқ қора қушга кўзингиз тушса, унинг қораялоқ эканлигига шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. У шохдан-шохга, бутадан дарахтга сакраб, майсалар устида йўрғалаб, баъзан сапчиб асфальт йўлга ҳам чиқиб қолади. Бундан 50 йиллар илгари қораялоқлар шаҳарларимизда оз учрарди. Энди эса катта боғ ва паркларда бемалол ин қўйишади. Лекин аввалгидек пастқам жойларда эмас, балки 4-8 метр баландликда ўзига уя қуриб олади. Натижада уларнинг сони ошмоқда.

Одатда қораялоқлар жилғалар яқин тоғ ораларида кўпроқ истиқомат қилишади. Бу қушлар учун сув манбалари ва дарахт ва буталар бўлиши муҳимдир. Қишда тоғлардан

водийларга, дарё ва ирмоқлар бўйига кўчади.

Текисликдаги қораялоқлар апрелда, тоғдагилари эса май ойида ин қўя бошлайди. Одатда ўтган йилги чорчўплар, сарғайган барглардан фойдаланишади. Бу иннинг ташқи қисми. Ўрта қисмида эса лой аралаш ўт-ўланлар қўшилади. Иннинг ичкариси эса юмшоқ майсалар билан тўшалган бўлади.

Қораялоқ 5-6 тухум қўяди. Тухуми ёнғоқдан катта эмас. Қобиғи оқиш, зангори, яшил, қўнғир нуқталар билан қопланган. Одатда модаси тухум босади, лекин баъзан эркаги ҳам у билан ўрин алмашиши мумкин. Бу жараён 13-14 кун давом этади.

Ота-она томонидан озиқлантириладиган қушчалар тез вояга етиб, ўн иккинчи куни, кечи билан 15-куни уяни тарк этади. Шундан сўнг қораялоқлар иккинчи марта

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИКЛАР ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси томонидан муомалага чиқарилган қуйидаги векселлар йўқолганлиги муносабати билан муомаладан тўхтатилади:

— серияси ПС-003 тартиб рақами — А 3406897 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — А 3406887 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — А 3407124 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — А 3407151 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — А 3406870 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — А 3406919 қиймати — 25000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — Б 3310391 қиймати — 50000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — Б 3310392 қиймати — 50000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — Б 3310252 қиймати — 50000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — Б 3310696 қиймати — 50000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3212721 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3212733 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3212734 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3212735 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — В 3205845 қиймати — 100000 сўмлик;
— серияси ПС-003 тартиб рақами — Г 3104553 қиймати — 500000 сўмлик.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттўзатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 05, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.